

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 225 (1487)
14
НОВАБРЬ
ШАНБА
1959 йил
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Республикаимиз пахтакорлари давлат омборларига 2 миллион 970 минг тонна пахта топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Областимиз пахтакорлари бу улкан хирмонга 436 минг 469 тонна пахта тўкиш билан ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Ўзбек халқининг 3 миллион 50 минг тонна пахта учун олиб бораётган курашига муносиб ҳисса қўшиш, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига план ва мажбуриятимизни ортиғи билан бажариш учун терим суръатини сира ҳам бўшаштирмайлик!



А. Венедиктов ишлаган расм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва ремонт-техника станцияларининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан рўҳланиб, олган социалистик мажбуриятларини амалга ошира бориб, 12 ноябрда, ўтган йилдаги қараганда бир ой илгари давлатга пахта сотиш йиллик планини бажардилар. 2 миллион 970 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Топширилган пахтанинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Республика колхоз ва совхозлари ўтган йилнинг шу вақтидаги қараганда, давлатга 500 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар ва топширдилар.

Самарқанд ва Бухоро областларининг пахтакорлари аjoyиб муваффақиятларга эришдилар. Улар оширилган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган областлари планни биринчи даражада бажардилар.

Республика совхозлари давлат планини кейинги йилларда биринчи марта муваффақиятли равишда бажардилар ва ярим миллион тоннадан ортиқ пахта топширдилар.

Гулистон, Шўрчи, Пастдаргом, Иштихон, Пойарик, Вобкент, Жиззах, Жарқўрғон, Бухоро, Пош, Ленинград, Оқдарё, Бувайда, Свердлов, Жомбой, Ромитан, Чуст, Фрунзе, Пискент, Булангур, Задарё, Чирочқи, Когон, Қарши, Қашаши, Қўйи Чирчиқ, Косон, Қовимех, Галлаорол, Деҳқонбод районларининг колхоз ва совхозлари олдинги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Колхоз ва совхозлар пахта йиғим-теримини ва пахта тайёрлаш ишларини тез суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

3 миллион 50 минг тонна пахта учун курашда кўпгина колхоз ва совхозлар катта муваффақиятларга эришдилар. Жиззах районидagi «Москва», Иштихон районидagi «8 март», Қорақўл районидagi «Октябрь», Қармақат районидagi Свердлов номи, Шовот районидagi Киров номи, Бағдод районидagi Окумбобов номи, Янгиқўрғон районидagi «Коммунизм», Гулистон районидagi Ленин номи, Бобўт районидagi «Коммунизм», Шўрчи районидagi Жданов номи колхозлар, Сурхондарё областидagi «Хазорбоғ» ва «Сурхон», Тошкент областидagi «Оққўрғон», Фарғона областидagi Ҳамаа Ҳақимзода номи, Жданов номи, Наманган областидagi «Кукумбой» совхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар юқори ҳосил олдилар.

1959 йил республика пахтакорлари учун янги прогрессив агротехниканинг талаб қилган йили бўлди. Колхоз ва совхозлар пахтачилик ходимларининг 1954 йил ноябрда Тошкентда ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида бўлиб ўтган кенгашида ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошира бориб, чигити квадрат-улаб ақишти дадил ўтдилар, гуза парварлида комплекс механизацияни кенг жорий қилди бошладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтачилик комплекс механизациялаш тўғрисидаги тарихий қарорини бажара бориб, бу йил ҳосилни йиғиб-териб олишни механизациялаш ишида зўр бургиларга эришди. Республика механизаторлари пахтани машинада терим юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан тўла ва ошириб адо этдилар. 340 минг тоннадан ортиқ пахта машина билан териб олинди. Ҳосилни машинада терим давом этмоқда.

Пахта терим машиналарининг механик-ҳайдовчилари — Пош районидagi Ленин номи колхоздан ХВС-1.2 машинасида 246 тонна пахта терган Меджид Умурақов, Чирчиқ районидagi Киров номи колхоздан 210 тонна пахта терган Турсун Охунова, Чуст районидagi Навоий номи колхоздан 205 тонна пахта терган Ражаб Абдулов, Қизилқум районидagi Гулистон колхоздан 156 тонна пахта терган Гайбулла Бўриев аjoyиб муваффақиятларга эришдилар. Маъна механик-ҳайдовчилар 80—100 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта тердилар.

«Малик» совхозда пахтанинг 75 проценти машинада терилди. Шаҳрисабз районидagi Карл Маркс номи колхозда 1.600 тоннадан ортиқ, 1-«Бобўт» совхозда 5.000 тоннадан ортиқ, «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхозда ҳосилнинг қарий ярми машинада териб олинди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда неча юз минглаб колхозчилар, совхозларнинг ишчилари намуна кўрсатдилар, кўпингкилограммчи теримчилар, шонли ёшларимиз айнаса-фидокорона меҳнат қилдилар.

Республикада сув чиқариш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўлида катта ишлар қилинди, бу эса, пахта етиштиришни мутасил кўпайтира боришга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитети декабр Пленумининг (1958 йил) қарорларини бажара бориб, республика колхоз ва совхозлари давлатга галла, гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл тери, хом тери, пилла, дуб ақинлари поян ва уруғ-тамаки, сабзавот ва картошка сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

1958 йилнинг шу давридаги қараганда давлатга 23 минг тонна кўп гўшт, 42 минг тонна кўп сут, 9,3 миллион дона кўп тухум, 10,6 минг центнер кўп жун, 280 минг дона кўп қорақўл тери, 3.780 центнер кўп пилла, 38 минг тонна кўп дуб ақинлари хом ашёси сотилди. Ўтган йилдаги қараганда 65 минг тонна кўп сабзавот ва картошка сотилди.

Республика колхоз ва совхозлари етти йилликнинг биринчи йилида олдинги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун муносиватли бўлиб, шу йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ялпи кўпайтирдилар. Шу билан бирга, шу йилнинг 1 нобрига қадар қорамоллар сони 106,3 минг бош ёки 13 процент, шу жумладан, сиғирлар 40,5 минг бош ёки 18 процент, чўчқалар 52,4 минг бош ёки 25 процент, паррандалар 1,5 баравар, қўй ва эчкилар 98 минг бош кўпайди.

Республика колхоз ва совхозлари шудорлаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ирригация-мелиорация шохбачаларини тозалаш, ернинг шўрини ювиш ва яхоб суви бериш ишларини, шунингдек 1960 йилда юқори ҳосил олишни таъминлайдиган бошқа ишларни қизитиб юбордилар.

Келгуси йилда Ватанга янада кўпроқ чорвачилик маҳсулоти бериш учун чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш, чорва молларнинг зоти яхшилаш, колхоз ва совхоз фермаларини ургочи моллар билан тўлдирish юзасидан катта иш олиб боришмоқда. Республиканинг колхоз ва совхозлари асосан маккажўхори ва оқжўхорида 2.600 минг тонна силос бостирдилар, бу эса ўтган йилнинг шу давридаги қараганда икки баравар кўпдир.

Саноат корхоналарида, транспортда, қурилишларда мисли қўрилмаган сиёсий активлик ва меҳнат гайрати ҳукм сурмоқда. Республика саноати ўн ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари бир неча юз миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот берди. Ишчилар, шаҳарликлар, студентлар пахта учун курашни ўзларининг ватанпарварлик бурчи деб билишди ва республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига актив ёрдам кўрсатмоқдалар.

Республиканинг пахтакорлари, барча меҳнаткашлар ёш мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта беришдан иборат социалистик мажбуриятни яқин кунларда, албатта, тўла ва ошириб бажариш ҳамда қишлоқ раҳбарлигини яхшилаш, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кундалик ёрдами, оғамиз буюк рух халқи ва Совет Иттифоқидagi барча халқларнинг бегарз ёрдами тўғрисида эришди.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан, СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қарорларидан, ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги партиянинг Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ленинча дову тарқиш сиёсатидан илҳомланган Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизм қурилиш кенг авж олдириладиган етти йилликда республика олдида турган улғувор вазифаларни шараф билан бажариш учун ўзларининг куч-қувватларини аймадилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА 13 НОЯБРГАЧА ҚАНЧА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш		Маъсум бошидан бери	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Пискент	0,84	0,83	107,97	154,75
Қўйи Чирчиқ	0,99	0,10	106,07	164,60
Гулистон	0,82	2,00	105,04	109,15
Бўвот	0,51	1,62	101,75	129,74
Юқори Чирчиқ	0,88	0,64	101,58	97,69
Сирдарё	0,65	—	100,91	100,33
Оққўрғон	1,00	1,17	99,24	102,72
Оржоникидзе	1,36	4,76	97,98	115,85
Бекобод	1,79	17,10	97,23	144,60
Чирчиқ	1,76	7,18	94,95	80,36
Янгиёул	0,83	3,8	92,67	147,80
Ўрта Чирчиқ	1,23	—	91,66	111,66
Жамъ	1,15	—	90,90	105,00
Жамъ	1,08	2,56	98,29	114,23

САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ТАМАКИ ХАРИД ҚИЛИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНING АХБОРОТИ

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, сабзавот, картошка ва тамаки харид қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 63 минг тонна кўпроқ сабзавот, 27 минг тонна кўпроқ картошка ва 1460 тонна кўпроқ тамаки сотилди.

Харид қилиш давом этмоқда.

БУХОРО ОБЛАСТИ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

Бухоро области колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, партия, совет, комсомол ва касабасоюз ходимлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиватли бўлиб, шу йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 63 минг тонна кўпроқ сабзавот, 27 минг тонна кўпроқ картошка ва 1460 тонна кўпроқ тамаки сотилди.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Наманган области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиватли бўлиб, шу йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 63 минг тонна кўпроқ сабзавот, 27 минг тонна кўпроқ картошка ва 1460 тонна кўпроқ тамаки сотилди.

Поп, Чуст, Тўрақўрғон ва Задарё районлари катта муваффақиятларга эришиб, планларининг асос, балки социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. Барча районлар ва умуман область пахтани машиналар билан терим топширигини анча ошириб бажардилар. 32 минг тоннадан кўпроқ пахта машинада терилди.

Журналистларнинг Бутуниттифок биринчи съезди очилди

12 ноябрда, Москвада Союзлар уйининг Колонна залида журналистларнинг Бутуниттифок биринчи съезди очилди. Съезд совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида етти йилликнинг — КПСС XXI съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш улғувор программасининг биринчи йили планини бажариб бўладиган аjoyиб кунларда бўлибди.

700 дан ортиқ делегат — барча иттифокчи республикаларнинг матбуот ходимлари, совет журналистикаси вакиллари ўзларининг биринчи съездида тўландилар. Улар етти йилликнинг олдинги марраларидан, коммунистик жамият қуриш йўлида буюк яратувчилик ишлари олиб бориладиган жойлардан келганлар.

Эрталаб соат 10. И. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов ўртоқлар президиумга чиққанларидан сўз делегатлари ўринларидан туриб, уларни гулдурас қарсақлар билан кутиб оладилар.

— Севикли Коммунистик партияга — Ура!

— Совет ҳукуматига — Ура!
СССР Журналистлар союзи Ташкилот буюсининг раиси, ТАСС бош директори Н. Г. Пальгунов съездини очиб ўн Коммунистик партиянинг энг кекса аъзоларидан бири, «Беднота» газетасининг биринчи редактори В. А. Карпинский сўз берди.

Ўртоқ Карпинский ўз нутқида журналистлар съезди — «Бутуниттифок тарихидаги буюк воқеадир, деди. Янги ижодкор ташкилот — СССР Журналистлар союзи ташкил топмоқда.

— Ҳар қайси совет ташкилоти олдида бўлганидек, янги союз олдида ҳам, — деди ўртоқ Карпинский, — коммунизм қурилишида актив қатнашчи, коммунистик партия XXI съездининг қарорларини муваффақиятли бажариш вазифаси, ўз аъзолари марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш вазифаси турибди.

Биринчи большевик журналист, адабиётчи ва редактор Владимир Ильич Лениннинг бебаҳо таърифи билан, журналистларга гога катта ёрдам бермоқда, деб давом қилди ўртоқ Карпинский. Мазлумки, Владимир Ильич ёшлик чоғидаёқ бўлган деб ёган эди: «Менинг энг катта истажим, энг катта озуғим ишчилар учун ёшим ижтимоиятга эга бўлишидир». У, Совет ҳукумати бўлиб бўлганидан кейин ҳам партиянинг анкеталарда ўз касби ҳақидаги саволга: «Журналист, адаб» деб ёзиб келган эди.

В. А. Карпинский В. И. Лениннинг журналистик фаолияти ҳақида, унинг ишчилар ёган ҳар-бир хабар- (ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Областимиз пахтакорлари, терим суръатини бўшаштирмай, мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятга муносиб ҳисса қўшайлик, КПСС Марказий Комитети Пленумини ёруғ юз билан кутиб олайлик!

АХДИМ 25 ТОННА

Ўтган йили 18 минг килограмм пахта терган эдим. Бу йил ҳам теримга астойдил киришдим. Дастлабки кунларда қўшма нормани ошириб бажаришга ҳаракат қилдим. Мавсумда 20 минг килограмм пахта териш юзасидан олган мажбуриятимни бажариш учун ҳар бир қўлай фурсатдан фойдаландим. Эрта эзонда ишга чиқиб, қўш қўйишга қадар пахта тердим. Яқинда менинг терган пахтамин ҳисоблашиб чиқди: 21 минг 200 килограммга етди.

Ҳозир бригаданимизда кўрак теришга киришди. Бунда ҳам суръатини пасайтирмай ишлаб, кунга 400 килограммдан кўрак терайтирман. Мен аввалги мажбуриятимни ўзгартириб, 25 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олдим.

Мен ишлаган Сорохон Шодмонов бошқаруви бригаданимизга мўл ҳосил еттирди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топирилиб, план 130 процент бажарилди.

Бригаданимиз аъзолари мўл даромад олади. Мен сентябр ойида 550 меҳнат куни ишладим. Бу йил ишлаган меҳнат кунларим эвазига 35 минг сўмга етказиб даромад оламан.

У. БОБОВЕВА.
Гулистон районидagi йилнинг «Колхозининг илтимосини» теримчи, область Советининг депутаты.

ПАХТАЗОР ҚАҲРАМОНЛАРИ



Кеч кирди. Дугоналар сўнгги этаклардаги «оқ олтин»ларни хирмон томон элта бошладилар. Уларнинг чеҳрасида қувонч, юриш-туришида дадиллик сезилиб турибди. Ахир, қувонмай бўладими? Колхоз бундан бир ой олдинроқ пахта тайёрлаш давлат планини бажарган. Эндиликда ҳамма ҳаракат республикамиз, қўлабorsa областимиз пахтакорларининг социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун кўрашга қаратилган.

— Колхозимиз камқувват хўжаликлардан ҳисобланар эди, — дейди колхоз раиси ўртоқ Зариф Жалолов, — лекин кейинги йиллар ичида қаддини ростлаб олди. Техника оғиримизни енгил қилди. Шу пайт ботти теримчилар ҳам хирмонга етиб келишди. Табелчи уларнинг терган пахталарини

бирин-кетин торттиб ола бошлади. Мана улар: Лолахон Мўминова. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 18 тоннага яқинлашиб қолди. Муҳайё Пулатова, Роза Ҳайитқўжаева, Айткул Сариева, Сари Тошқўжаев, Эргаш Асильов ўртоқлар ҳам шу кунга қадар 7-8-10 тоннадан пахта теришди.

— Урта Чирчиқ районидagi «Коммунизм» колхоз аъзолари 775 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан пахта топириб, яхши натижаларни қўлга киритдилар. Колхоз аъзолари қолган ҳосилни ҳам нобуд қилмаймиш, келгуси йилга ҳам муштарак замин ҳозирлаймиш деб, ишни тинмай давом эттирмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.
Суратда: теримчилар хирмонга йўл олмақдалар. Н. Меламед фотоси.

КЎПОРИЛА БОШЛАГАН ТОҒ

— Совхозимиз бу йил давлатга 4 миллион сўмдан кўпроқ фойда келтирди, — дейди «Оқдўғрон» совхозининг директори ўртоқ Жамил Акромов.

Энг кенжа «Гулистон» совхозининг директори Мажид Ғаниев аса: — Бизнинг совхоз энди рентабель хўжаликка айлана бошлади, — дейди.

Бу йил областимиздаги кўпгина совхозларга борсангиз шундай янгиликларни эшитишингиз мумкин. Нега? Ўтган йиллари агар бу ҳақда сўз очсангиз совхоз раҳбарлари оғир нафас олар ва секин уф торттиб қўядилар. Саволингиз бежавоб қоларди. Бу йил эса улар дадил ва бийрон жавоб берадиган бўлиб қолгандар.

Шу кунларда 1-«Бойвут» совхозининг директори ўртоқ Урисбиев билан суҳбатлашиб қолсангиз, у дарҳол гапни аввал баҳордан бошлайди. — Биз бу йил 5 минг гектар пахта майдонимизнинг ҳаммасига сим торттиб квадрат-улаб чигит эдик, ҳа, тақрор айтман, режа сими билан чигит эдик.

У бу сўзни қайта-қайта таъкидлаб билан қанча тонналаб чигитини, янага учун сарф этиладиган бир талай меҳнатни тежаб қолганини уқтирмоқчи, квадратнинг ҳикматларини баён этмоқчи бўлди.

— Ҳаммадан ҳам кетмоненс ишлашнинг айтини, оғир кетмондан кутилиб, ишчиларимизнинг жони кириб қолди. Квадратнинг садагаси бўлсанг ар-

одам чиқиб ёрдам берган бўлса ҳам эйлаб олмаган эдик. Бу йил ҳамма парварини ўз кучимиз билан қилдик. Бу техниканинг ҳикмати.

Бу гаплар бечиз эмас. Булар пахтачиларнинг комплекс механизациялаш соҳасида жиддий бурилиш бошланганидан, антимеханизаторлар чекина бошлаганидан, машиналарга кенг йўл очилганидан, машинага ишқибозлар, тарафдорлар кўпайиб бораётганидан дарак беради.

Область Совхозлар трестининг маълумоти қараганда, бу йил ҳамма майдондаги гўзалар икки томонлама ишланган. Ўтган йилга нисбатан 3600 гектардан ортиқ ерга квадрат-улаб чигит экилгани учун қарийб 500 минг сўм иқтисод бўлган. Совхозларда 36 минг тонна пахта машина билан терилган. Пахта машина билан терилгани учун қўлда терилганга нисбатан ҳар тоннасидан 300 сўмдан пул тежалган. 36 минг тоннага 300 сўмни кўпайтирса совхозлар бу йил машинанинг шарофати билан неча миллион фойда кўрган бўлади. Буни ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Худди шу тўғрисида 1958 йилда совхозларда бир центнер пахта етиштириш учун 289 сўм сарфланган бўлса, бу йил 199 сўм сарфланди.

«ЎзССР беш йиллиги» совхозини 1958 йилда чигит экишдан торттиб тоғза парваринининг охиригача дала ишларига 3 миллион сўм сарфлаган. Лекин пахта йигим-терими даврида эса 5 миллион сўмча харажат бўлган. Кўриб турибдики, терим даврида жуда кўп меҳнат сарф бўлади. Бу йил теримда машинанинг кенг қўлланила бошланиши совхоз хўжаликлари ҳаётида катта бурилиш бўлди. «Малик» совхозидида пландаги 5061 тонна пахтадан 3716 тоннаси эки 73,16 проценти машина билан терилди. «ЎзССР беш йиллиги» совхозидида ялпи ҳосилнинг 50,7 проценти, 1-«Бойвут» совхозидида 37,2, «Гулистон» совхозидида 35,26 процент пахта ҳосили машина билан териб олинди.

1-«Бойвут» совхозидан А. Зайтуллаев, А. Урзобеков, 3-«Бойвут» совхозидан М. Решетов, И. Умаров, 4-«Бойвут» совхозидан Н. Бекриев, «Малик» совхозидан Ж. Кўчиев, М. Алиев сингари жуда кўп механизаторлар пахта далаларида бу йил қўлоқ экиб ишладилар. Уларнинг ҳар бири машина билан 97 тоннадан торттиб 201 тоннагача пахта тердилар. Машинанинг афзаллигини исботладилар.

Ҳозиргача энг кўп меҳнат талаб қиладиган пахта терими гўё ҳал қилиб бўлмайдиган проблема бўлиб кетар эди. Бу йил Турсуной Охунова ташаббусига қўшаган моҳир ва жаҳур механизаторлар ўша ҳал бўлмаётган тўғдек проблемага ҳужум бошладилар ва бу тоғни машина билан пахта териб кўпорила киришдилар. Рост, тоғ кўпорилаётган, у албатта ағдариб ташланади.

Х. БОСИТОВ.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛГОРЛАРИ



Ўртоқ Х. УМАРОВА, Янгйўл районидagi Киров номи колхозининг теримчиси. Ҳидоят пахта теримидида ўз сафдошларига намуна бўлиб ишлади.



Ўртоқ А. МАХМУДОВ, Урта Чирчиқ районидagi «Коммунизм» колхозининг теримчиси ўртоқ Махмудов теримнинг қанча кунларида бир кунда 400 килограммгача пахта терди.



Ўртоқ И. МУСТАФАЕВ, Бу механик-ҳайдовчи Гулистон районидagi «Красный Восток» колхозининг жоңғури кишиларидан. Ўртоқ Мустафаев колхозда энг кўп пахта териб, мусобақада гўлиб кетди.

В. Салов, М. Шелесев фотолари.

Иккинчи қўшимча мажбуриятимиз ҳам бажарилди

Илгари энг қўлоқ ҳисобланган «Искра», Мичурин номи, Сталин номи колхозлар бирилашиб ташкил топган бизнинг «Победа» колхоз аъзолари партияимизнинг XXI съезди қарорларидан руҳланиб, етти йилликнинг биринчи йил топириқларини ошириб бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги байрами ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан қўтиб олаш учун бу йил эфр гайрат билан ишладилар ва далаларимизда мўл ҳосил етиштиришни таъминладилар. Шу тўғрисида меҳнат севар колхозчиларимиз 1760 гектар пахта майдонидан 2160 тонна пахта топириб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар ва ўз зиммаларига қўшимча равишда 410 тонна пахта етказиб бериш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар.

Колхозимизда глан бажарилгандан кейин ҳам пахта йигим-терими сира бўшаштирилган йўқ. Патижада давлатга 2570 тонна пахта сотиб, қўшимча мажбуриятини ҳам шараф билан бажардик. Энди биз иккинчи марта қўшимча мажбурият олди. Ҳозир давлатга жами 3167 тонна пахта етказиб бериш учун курашни қизғин давом эттиряптимиз. Бу мажбуриятини ҳам ҳеч шубҳасиз бажараймиз.

Пахта йигим-терими даврида колхозчиларимиз мисли кўрилмаган даражада ушқоқлик билан ишладилар. Кўпгина кишилар пахта теришда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Эргаш Бойтўраев, Улту Али-

бекова, Анор Маматқудова, Холбиби Эшева, Сотимбиби Маманова

сингари кўпгина илгор теримчилар хирмонга 11—12 тоннадан пахта териб топиридилар. Бир қатор бригадда бошлиқлари ҳалол ишлаб, ҳосилдорликни анча оширдилар. Ўртоқ Мамасоли Очилов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида юз гектар ернинг ҳар гектаридан 17 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил олиниб, план 190 процент қилиб бажарилди. Ўртоқ Аширқул Аҳмадиев бошлиқ бригадда аъзолари пландагидан кўра ҳар гектар ердан 13 центнердан кўп ҳосил йигиб олдилар.

Бу йил колхозимизда машина билан пахта теришга бирмунча дуруст эътибор берилди. Пахта териш машиналарига кенг йўл очилди. Шунинг учун колхозимиздаги бир қаторли машиналар билан 134 тонна пахта терилди. Механик-ҳайдовчиларимиздан М. Мамашкуров 50 тонна, Н. Алиев 45 тоннадан пахта тердилар.

Шу кунларда пахта йигим-терими давом эттириш билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун кузги шудгорини ҳам бошлаб юбордик. 140 гектар ер шудгор қилиб қўйилди.

Қўлга киритилган бу дастлабки меҳнат зафараларидан руҳланган колхозчиларимиз ўз зиммаларига олган иккинчи қўшимча мажбуриятини ҳам бажариб, келгуси йил мўл ҳосил учун курашни қизғин давом эттирадлар.

Раҳмон АБДУРАХИМОВ,
Бекобод районидagi «Победа» колхозининг раиси.

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Совхозимиз ишчилари 5000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,75 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар. Совхозимизда пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишида ганишчилик бригадда бошлиқларимиздан Шарофат Бозорова, Бойириза Холмиров, Амур Раҳмонов, Баҳром Эризаев ва Пётр Стянов каби жуда кўп бригадирлар катта ҳисса қўшдилар.

Шу илгор бригадалар билан мусобақадон бўлган бизнинг бригадда аъзолари ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда фидокорона меҳнат қилдилар. Биз 215 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олдик. Шарофат Бозорова бригадаси ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтарди. Совхозимизда бундай илгор бригадалар оз эмас.

Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олишда механизациядан кенг фойдаланилди. Ёз даврида гўзаларни икки томонлама парвариш қилган бўлсақ, терим даврида пахта териш машиналари билан ҳосилни йиғиб олишга ҳаракат қилдик. Шу тўғрисида бу йил етиштирилган пахта ҳосилининг таънарихи ўтган йилга нисбатан анча арзон тушди. Ҳосилдорлик ошди.

Пахта тайёрлаш планини муваф-

МЎЛ ҲОСИЛ ИШҚИ

Ҳаёлимиз далада кўпнинг бирини, мўл ҳосил тақдирини ўйламай бўлмас. Меҳнатдан ўз бахтин яратган халқнинг Мардликни юракдан қўймай бўлмас. Ганимат ҳар нафас, жаддалаш вақти Минутлар қадрига ет! — дегандайин. Ғалаба байроғи қилпира бошда Жазм этасиз маргага етмаклик тайин. Шуҳратқа Ғанишер, Турсунойлардан Торттиб ҳар кенча — ёш теримда барча Бар уриб ҳа, балли! — дея илгорлар Ортидан қуваман мен ҳам борча. Дамба-дам чеварлар терган пахтаси

Хирмонга элтаман тоғ эгитлардан. Этаклар бункерлар билан бастлашиб, — Ўтмоқни орулар агрегатлардан... Қизғин пайт. Оламини кўзи биздадек Айланиш Тошкентини топи босган йил. Ҳар хирмон аксиди меҳнат кўриги Кенг дала шодлиққа чўмгандек сайил. Ҳаёлимиз далада дарёча халқнинг Ғайратини ичиди мен ҳам жўшаман. Тонналар ичиди граммлаб бўлсин. Теримга муносиб ҳиссам қўшаман.

Толиб ИҶДОШ.

БИР ИЛТИМОС

(МИРЗАЧУЛ ХОТИРАЛИРИДАН)

Уйдаги гап пўчага тўғри келмайди, деганлари кўст экан. Бизнинг олдин ўйлаб қўйган режаларимиз Мирзақул борганда ўзгариб кетди. Фотографиямизнинг кўли-қўлига теғмай қолди. У, бир плёнкани тамомлаб, иккинчисини бошлади.

«Гулистон» совхозининг директори Мажид Ғаниевнинг ишлари бошдан охиригача ётган пайтда учратдик. Илгорлардан бир неча кишининг рўйхати тузилган, директор одамларнинг суратини олдириш учун ўзим бирга бормасам бўлмайди деб, ишларини йиғиштирди ва биз билан далага жўнади. Нега ўзи бормаса эълмас экан? Ҳайрон бўлдим.

Дала йўллари... Йўқ, янгиликдек шекилли, шаҳар йўллари... Эллик километрга қўзилган, совхозининг уч бўлимининг бир-бирига боғланган кенг асфальт йўллари шаҳардангидек теп-текис ва раво. Бўлимлар учун қурилган янги кўрак кишлоқларга қараб тўймайсан киши. Қўлиб тургандай тўзал ва баҳаво ерлар. Поёни кўз илгамас пахтазорлар... Бу ерлар бундан уч йил илгари Шўрўзакка сира ўхшамайди. Шўрўзакдан ном-нишона ҳам қолмаган. Наҳотки, шу жойлар қадимти зог учмас, қўшқуруқ жазирага қўллар, қаминзор, ботқоқлик тўқайтар, кишининг ганишн келтирадиган, шўри бетига тепсиб чиққан, баланд-паст, қафат шўрларга ўсиб етадиган ерлар бўлса. Ишонмайди киши!

Директор бу катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилишни эп кўрмадимки ёни бошқа сабабданми, жим борар эди. Совхозга об-ҳаёт келтирган 285 километрни навал кенг ва текис карталарини узунсига ва кўндалангига кесиб ўтиб, узоқ-узоқларга қўзилиб кетган. Директор бизни 1-бригаддан тортти то

чиқмаса ҳам майли, газетада шу одамларнинг суратлари чиқса, бас. Ахир Шўрўзакни шундай гулистонга айлантираётган азаматлар шулар-ку.


Биз ҳам бу одамларни кўзимиз қилиб ўтиб кета оламдик... «Социализм» совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Суннат Шукрувнинг илтимослари Ғаниевнинг ҳам кўп экан. Ҳай-ҳай демасангиз, унинг совхоздаги ҳамма қимирлаган одамларнинг расмларини олдириш чоғи бор. У ҳар надамда «бир илтимос, шу одамларнинг ҳам қўлиги қолмасин». Буларнинг ҳаммаси бири-бирдан ишван, бири-биридан қўлишмайди», деди.

Мирзақулда ингичка тодали пахта етиштиришни расм қила бошлаган «Красная заря» колхозининг раиси Турдиев ҳам, икки йил илгари энг қўлоқ ҳисобланган, бу йил биринчи бўлиб план бажарган, ҳосилдорликни оширган «Красный Восток» колхозининг раиси Носиров ҳам, Карл Маркс номи колхозининг раиси Пардаев ҳам биз билан кўришган ҳамона сўзни «бир илтимосдан бошладилар.

Бекободдаги Қиёғга жойлашган, пландан ташқари қўшимча мажбуриятни ҳам бажариб, яна қўшимча мажбурият олган. 3 та энг қўлоқ колхозини ўзида бириштираган «Победа» колхозининг раиси Абдураҳимов бизни кўриб қувона-қувона гап бошлади. Эргаш Бойтўраев, Улту Алибекова, Анор Маматқудова сингари ажойиб теримчиларимиз, мўл ҳосил етиштирган Мамасоли Очилов, Ашуралли Аҳмадиев сингари бригадда бошлиқларимиз бор. Илтимос, шулар ҳам унутилмас, деди у.

Бойвутликлар Насиб Бекриев, Тило Абдалиев, Шарофат Бозорова, Қўшоқ Маҳмамов, Фармонқул

— Илтимос, менинг мақолам



Суратда: Бойвут районидagi пахта пункти.

Қ. Розиков фотоси.

(ЎЗТАГ. фотохроникаси).

Б. ХАЛИЛОВ

Олмалиқда маданият университети

Олмалиқ шаҳрида 2 йиллик маданият университети очилди. Университетда уч факультет ташкил қилинган. Тингловчилар учун бу ерда ҳафтада бир марта фан ва техника, адабиёт ва санъат масалалари ҳақида лекциялар ўқилади.

Яқинда ўтказилган биринчи машғулотда ёзувчи С. Бородин ўз асарларининг яратилиши ва ижодий планлари ҳақида ҳамда М. Горький номи Тошкент давлат рус драма театрининг бош режиссёри А. Гинзбург театр санъати ҳақида гапириб берди. Сўхбат давомида тингловчиларга бу театрнинг «Аждаҳо ва қуёш», «Кана» ва бошқа спектаклларида парчалар кўрсатилди.

А. ПАВЛЕНКО.

Тажриба алмашишмоқда

Тошкент темир йўли ходимлари Иттифоқимиздаги бошқа кўпгина темир йўл станцияси ходимлари билан тез-тез тажриба алмашиб турадилар.

Шу муносабат билан тепловоз ва электровоз мутахассислари тайёраликда алоҳида аҳамият берилади. Ҳозир Улан-Уда, Ростов, Барнаул, Томск ва бошқа шаҳарлардаги паровоз-ремонт заводлари, депо ва участка инженерларидан 35 киши Тошкент темир йўли транспорт инженерлари институтини ҳузуридаги темир йўл участкаларида тепловоз ва электровозларнинг жорий этиш юзасидан тажриба ўрганиб, малака оширишмоқда.

А. САИДЖОНОВ.



Суратда: Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини ҳузуридаги темир йўл участкаларида малака ошириётган Олмаотта паровоз депосининг лаборатория мудири Н. Жиленис ва Ульяновск паровоз депо лабораториясининг лаборанти Е. Сергеева ўртоқлар вискозиметр аппаратурада тажриба ўтказишмоқда.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.



Тўғарақнинг муҳим илмий тадқиқотлари

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида бундан 5 йил муқаддам Ўрта Осиё тарихини ўрганиш илмий тўғарақ ташкил қилинган эди. Тарих факультети ўқитувчиларидан доцент Г. Чабров ва профессор Е. Массон ўртоқлар раҳбарлигидаги бу тўғарақ аъзолари — университет ўқитувчилари 5 йил ичида Ўрта Осиё тарихини ўрганишга оид анъана илмий ишлар ёздилар. Жумладан, 30 дан ортиқ илмий иш ёзилиб, тўғарақ йиғилишларида муҳокама қилинди.

Тарих фанлари кандидати О. Маслованинг «Бекевич-Черкесскийнинг XVIII аср бошларида Ўрта Осиёга қилган экспедицияси», Б. Луниннинг «Бартольд экспедицияси», филология фанлари кандидати Н. Кремонининг «Россия ва Ўрта Осиё адабий алоқалари доир», доцент Г. Чабровнинг «Ўрта Осиё — рус расмлари ижодида» каби илмий асарлари Ўрта Осиё тарихига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олди. Бу асарларнинг кўпчилиги университетда чиқадиган илмий тўпламлар ва бошқа журналларда эълон қилинди.

1965 йилда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинганлигига 100 йил тўлади. Ана шу кунга тўғарақ аъзолари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Жумладан, улар «Ўрта Осиё» деган библиографик лугат ва уч томдан иборат «Тошкент тарихи» деган китобни яратиш устида катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётирлар.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

ШАХМАТ

Эртага халқаро турнир бошланади

Ўзбекистон спорт жамоалари ва ташкилотлари союзининг шу йилги календар планига мувофиқ эртадан 30-ноябрда қадар Тошкентда шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилади. Бу республикада спорт ҳаётида жуда катта воқеа.

Турнирда чет элдан беш ва Совет Иттифоқидан етти шахматчи қатнашади. Жумладан Хитой, Индонезия ва Мугулистон Халқ Республикаси вакиллари иштирок этадилар. Бундан ташқари Туркманистон, Қозғистон ва РСФСР (Осиё қисми)дан ҳам биттадан шахматчи тақлиф қилинган. Бу йирим мусобадада ўзбекистонлик шахматчилардан республика чемпиони Баренбаум, мастерликка кандидат

лар Грушевский ва Сарваров ҳамда бу хабар аввали қатнашадилар. 1956 йилда Тошкентда Хитой ва Ўзбекистон шахматчиларининг дўстлик матчи ўтказилган эди. Ўшанг йилининг охирида Грушевский ва мен Хитой Халқ Республикасида бўлиб, бу мамлакатда бир неча ўртоқлик учрашувларида қатнашдик.

Бўладиган мусобадада нимнинг галаба қилиши ҳақида ҳозирча мулоҳаза юритиш қийин. Аммо шу нарса шубҳасизки, Тошкентда бўладиган биринчи халқаро шахмат турнири дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М. МУХИТДИНОВ, СССР спорт мастери.

Пойтахтимиз марказида, «Тошкент» меҳмонхонасининг биринчи қаватида яқинда янги катта гастроним ишга туширилди. Савадо заллари чиройли қилиб безатилган, бу пинам магазин энг янги техника билан жиҳозланган. Бу ерда харидорларга намунали хизмат қилиш учун барча қулайликлар яратилган. Махсуслотларнинг соф ҳолда савлаш учун махсус прилавкалар ташкил қилинган, махсуслотларни ертўладан юқорига чиқариб берувчи бир неча автомат подъёмник ўрнатилган. Янги гастронимда кондитер, сут, гастрономия, нон махсуслотлари, донлаб сотиладиган товарлар ва бошқа кўпгина бўлимлар бор. Магазинда 60 га яқин тажрибали, малакали савдо ходими харидорлар хизматига. Янги магазинга кирган ҳар бир харидор бу ердаги савдо хизматидан қўнғил бўлиб чиқади. Суратда: янги гастронимда.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.



Газетанинг биринчи бетиде Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларининг давлатга пахта тошириш планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида маълумот босилган. Шу бетда Бутуниттифоқ журналистларининг биринчи съезди иш бошлагани ҳақидаги ҳисобот ўрин олган.

Иккинчи бет материаллари республикамиз пахтакорларининг галабасига бағишланган. Саҳифада Уйғун ва Е. Ефимовларнинг «Турсуной» деган очерки, В. Тюпковнинг «Баракли ҳосил йили» сарлавҳали мақоласи ва бошқа материаллар бор.

Учинчи бетда В. Федорчукнинг «Гуллар дарёси» сарлавҳали корреспондентлиги ва чет эл хабарлари бритаган.

Тўртинчи бет материаллари Русияда Антарктида экспедицияси ҳақида сўхбат ва бошқа материаллар бор.

Совет ҳукуматининг уч ғарбий давлатга юборган ноталари

11 ноябрда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов АҚШнинг Москвадаги элчиси Л. Томпсонни қабул қилди ва Совет ҳукуматининг Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига нотасини унга топширди. Бу нотада Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Ғарбий Берлинда «Дейчланд-функ» радиостанциясини барпо этишга тайёргарлик кўриш ҳақида Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг қарори қонунга ҳилоф эканлигига Америка ҳукуматининг эътибори жалб этилди.

Совет ҳукумати, дейилади нотада, Ғарбий Берлинда, бошқа давлатнинг марказида ғарбий герман радиостанциясини барпо этиш планига Берлиндаги ва умуман Германиядаги вазиятни кескинлаштиришга, Европанинг марказида «совуқ уруш»ни

аждиритишга мўлжалланган янги иттифоқлик деб қарайди. Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг бу ҳаракатларини, деб таъкидланади нотада, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр ўртасидаги сўхбатлар натижасида Ғарбий Берлин тўғрисида битимга эришиш учун қулайроқ шароит вужудга келган бир пайтда Берлин масаласи юзасидан бўладиган музокараларнинг муваффақиятли тугаллашишга ҳалақит бериш мақсадида атайин қилинаётган уришдан бошқа нарсаси бўлмайд.

Элчи нотанинг мазмунини ўз ҳукуматига дарҳол маълум қилишини айтиди.

Совет ҳукумати Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига ҳам шу хил мазмунли ноталар юборди. (ТАСС).


УМУМ ПАЛАТАСИДА МАҚМИЛЛАННИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЛОНДОН, 12 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган расмий парламент ҳисоботида кўра, 10 ноябрда умум палатасида бош министр Макмилланга юксак даражада кенгаш ўтказиш мўддатлари ҳақида бир қанча саволлар берилган.

Макмиллан саволларга жавоб қайтариб, бундай деган: «Фақат шунга айтиш оламани, мен кенгашнинг яқин муддатини белгилеймиш, деб жуда умид қиламан. Бу мўддатдан ташқари энг муҳими — қулай тенденцияларни сақлаб келишдир. Мен Хрушчев жанобларининг фикри ҳам бир мунча даражада шундай деб ҳисоблайман. Биз унинг фикрини эътибор билан ҳисобга олишимиз керак. Унинг Парижга қиладиган сафари (мен бу сафар қилинади деб умид этаман) юксак даражада кенгаш ўтказиш вақтини узайтмаслиги белгиланган фойдали тайёргарлик бўлади».

Сўйра Макмиллан Англия ҳукумати икки вазифани ҳал этишга иштиёқлигини ўқитиб ўтиб, бундай деди: «Биринчидан, биз кенгашнинг умумий қадар тезроқ ўтказилишини истаётимиз ва бунга эришиш учун аввалгидек ҳаракат қиламиз. Мен Қўшма Штатлар президенти ҳам шундай фикрда, деб ҳисоблайман. Иккинчидан, биз кенгашнинг кечиктирилиши бирор сабабга кўра муқаррар бўлиб қолган тақдирда Шарқ билан Ғарб ўртасида визитлар ва музокаралардан иборат умумий системанинг давом эттирилишини талминлаш ийниса истаётимиз. Халқаро кескинликда кейинги ойлarda, шубҳасиз, рўй берган юмшаниннг муҳим қисми ана шундан иборат».

Пировардида Макмиллан «Хрушчевнинг биз бу кенгашнинг умумий қадар тезроқ ўтказишимиз лозим, деган фикрига» қўшилганлигини таъкидлади.



Хитой Халқ Республикаси (шимолий-жаубий Хитой) темир станциясига Ланьчжоудан биринчи поезд келди. Ланьчжоу-Цинхай темир йўли кўп миллатлик чекка вилоятини мамлакат билан боғлайдиган биринчи йўлдир. Суратда: Минхэ темир йўл станциясида биринчи поездни кутиб олиш лойи.

Шу чоққача Цинхай вилоятида йўл йўқ эди. Яқинда Минхэ станциясига Ланьчжоудан биринчи поезд келди. Ланьчжоу-Цинхай темир йўли кўп миллатлик чекка вилоятини мамлакат билан боғлайдиган биринчи йўлдир. Суратда: Минхэ темир йўл станциясида биринчи поездни кутиб олиш лойи.

Лю Си-чунь фотоси. (Синьхуа агентлиги).

ЖАЗОИРДА УРУШ

ҚОҲИРА, 12 ноябрь. (ТАСС). Жазаирда 5 ноябрдан 7 ноябргача бўлган уруш ҳаракатлари тўғрисида Жазаир Миллий озодлик армияси олий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида айтиладики, миллий озодлик армияси қўшинлари ва партизанларнинг ҳужум ҳаракатлари натижасида душман солдат ва офицерларидан 124 киши ўлдирилган ва 61 киши ярадор қилинган, 19 та ҳарбий автомашина яқсон қилинган ва кўпгина ўлжа олинган.

ФРАНЦИЯНИНГ ЖЕНИССЯ ШАҲРИ Н. С. ХРУШЧЕВНИ ТАҚЛИФ ҚИЛИМОҚДА

ПАРИЖ, 12 ноябрь. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар қилишича, Жениссия шаҳрининг муниципал кенгаши (Эн департаменти) СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевни Францияга қиладиган визити вақтида мазкур шаҳар яқинидаги мамлакатда энг йирик гидростанциялардан бирини келиб кўришга тақлиф этишга қарор қилди.

ГРЕЦИЯ-ИТАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

РИМ, 12 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Италия Министрлар Совети раиси Сеньи билан Греция бош министри Караманлис ўртасида 9 ноябрдан 11 ноябргача олиб борилган музокаралар тамом бўлди. Музокараларда ташқи ишлар министрлари Пелла ва Авероф қатнашдилар. Музокаралар тамом бўлгандан кейин эълон қилинган ахборотда айтилишича, музокараларда халқаро проблемалар ва Италия билан Греция ўртасидаги муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинган.

Ҳар иккала томон, дейилади ахборотда, бўладиган халқаро кенгашларда «пропорционал ва контроль қилинадиган курсласилиш» ҳақида умид-кесил битимга эришилди, деб умид билдиришди. Айни бир вақтда улар «Атлантик иттифоқи принципларига» содиқликларини таъкидладилар.

Телевизор Экранида

14 НОЯБРДА

19.00. Мактаб ўқувчилари учун рус тилида «Юлдузча» телевизион журнали.
19.25. Сўнги ахборот.
19.45. Бадий фильм — «Париж чеккасида».
21.15. Пахтакорлар учун концерт.

ОВ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бузулган бўлди. Ёмғир ёғиб турди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 11, областа 9 — 12 даража иссиқ бўлди.
Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб турди. Ёмғиргарчилик бўлмаслиги нутилади. Тошкентда 10 — 12, областа 8 — 13 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

Халқ театри

тис Г. Муратов раҳбарлик қилмоқда. У. Умаровнинг «Ҳақ йўл», В. Жумановнинг «Бамолат» каби пьесаларини сахнага қўйиб, уни хаваскорлар ижросида тамошяларга муваффақият тақдир эти олан бу режиссёр ҳозир Озарбайжон драматурги Н. Шағаловнинг «Кайин» комедияси устида иш олиб бормоқда. Ролларни асосан хаваскор ишчилар, студентлар ва мактаб ўқувчилари ижро этмоқдалар. Асарнинг бош образларидан бири Аёз ролини театршунослик институтининг студенти Х. Шарипов, унинг хотини — ақили, ўз ёрига вафотлар, тақдирли Савдо ролини аса ёш хаваскор М. Маҳмадова ижро этиш устида иш олиб бормоқдалар. Театрда Э. Муродов, Т. Расулов, У. Облоқов, М. Қамбаров, А. Юсупов, каби бир неча хаваскор талантлар етишиб чиқдилар. Буларнинг кўпчилиги ҳозир жойларда мустақил иш бошлаш олдига турибдилар.

Театр коллективини бир ой давомида 14 жойда тамоша кўрсатди, концертлар қўйиб берди.

Шаҳримизда халқ театрларига бўлган ҳавас ва талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Бунга ҳисобга олган партия ва ҳукуматимиз халқ ижодий театри учун махсус театр биноси ҳам қуриб берди. Унда хореография студия, халқ чолгу асбоблари оркестри, симфоник оркестр, драма тўғараги, болалар хори каби бўлимлар алақачон иш бошлаш зарур эди. Бу театр шу кунларда минглаб ёшларни ўзига жалб қилган бўлини керак эди. Афсуски, шундай бўлмади. Гарчи театр биноси ва унинг турли бўлимлари бундан 5 ой муқаддам бутунлай ишга туширилган бўлсада, лекин шаҳар маданият бошқармасидаги баъзи бир раҳбар ўртоқлар нима сабабдандир театрда

ростмона иш бошлашни, кўпроқ хаваскорлар жалб этишни ҳамон орқага судраб келмоқдалар.

Дуруст, театрда ўғил болалар хори анчадан буён иш олиб бормоқда. Унга консерваториянинг тажрибали ходими, доцент С. А. Валенков раҳбарлик қилмоқда. Тўғараққа турли миллат фарзандларидан 50 га яқин жажжи ўғил болалар жалб қилинган. Бу эш хаваскорлар ўзбек, рус, украин халқ кўшиқчиларидан талайгина номерларни ўрганиб, яхши ижро этмоқдалар. Айниқса, Ш. Сулаймонов, В. Левченко, Р. Мустафин ва В. Соколов каби ёш талантлар «Нахмивончилар марши», «Озод Ватан», «Беданача», «Самолётлар» кўшиқларини завқ билан ижро этмоқдалар.

— Штат масаласи ҳал бўлмай келаётган эди, — деди у бизга.

— Энди штат масаласи ҳал бўлди.

— Ҳал бўлди.

— Демак иш яқиниш кетар экан-да?

— Ҳозир кўпроқ бошқа клублар қуриш билан бандимиз. Ана шу

Модомки, ўғил болалар хори иш бошлаб тез кунда шунчалик муваффақиятларни қўлга киритган экан, унда ҳақиқатини савол туғилади: «Нега халқ театрининг бошқа бўлимлари иш бошламайдилар?»

Биз худди шу савол билан шаҳар маданият бўлими бошлиғи ўртоқ Доноскага мурожаат этдик. Афсуски, Доноска бу саволга жуда бепарво жавоб қайтарди.

— Штат масаласи ҳал бўлмай келаётган эди, — деди у бизга.

— Энди штат масаласи ҳал бўлди.

— Ҳал бўлди.

— Демак иш яқиниш кетар экан-да?

— Ҳозир кўпроқ бошқа клублар қуриш билан бандимиз. Ана шу



— Суратда: С. А. Валенков хаваскорларга «Самолётлар» ашуласини ўргатмоқда.

О. ҒУЛОМОВА, Х. ТУХТАБОВ.